

**АҚЛИЙ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЎҚУВЧИЛАРНИ  
ПРЕДМЕТЛАРНИ ЎРГАНИШДАГИ АМАЛИЙ ФАОЛИЯТИ.  
ЖДПИ Махсус педагогика кафедраси                            ўқитувчиси  
Назарқосимов Қаршибой.**

**Аннотация**

Мақолада муаллиф томонидан ақлий имконияти чекланган ўқувчиларни билиш фаолиятидаги ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб , фикрлашини тарқоқлиги, предметларни белгилари асосида таҳлил қилишда мукаммалликни етишмаслиги ва уларни ўрганишда амалий фаолиятларидаги муаммолари юзасидан фикрлар ёритилган.

**Аннотация**

В статье обсуждаются взгляды автора на проблемы учеников с умственными отклонениями, обусловленные особенностями познавательной деятельности, недостаточным совершенством анализа объектов на основе симптомов, а также проблемы, проявляющиеся в практической деятельности их изучения.

**Annotation**

The article discusses the author's views on the problems of students with intellectual disabilities due to the peculiarities of cognitive activity, the lack of excellence in the analysis of objects on the basis of symptoms, and the problems manifested in the practical activities of their study.

Таянч сўзлар ва иборалар;

Таҳлил- воқеликни билиш учун зарур бўлган асосий ақлий операциялардан биридир.

Объект – предмет

Субъект - шахс

Ёрдамчи мактаблар – ақлий имконияти чекланган ўқувчиларнинг таълим муассасаси.

Идрок – бу воқеликни онг остида қабул қилиб олиш, кўра олиш, билиш фаолияти.

Тафаккур –онг остида фикрларни жамланиши, анализ- синтез қилиш орқали маълумотларни қабул қилиш қобилияти.

Сезги – атроф мухитдан маълум бир маълумотларни қабул қилиш.

Ривожланишига кўра ақли имкониятлари чекланган болаларнинг сезги ва идрок хусусиятлари уларнинг тафаккури, нутқи ва бошқа психик жараёнларинг ривожланмаганлиги билан яқин алоқада бўлади. Ўтилаётган ўқув ва бошқа материалларни дастлабки идрок этиш асосида таққослаш энг

содда умумлаштиришлар амалга оширилади. Шундай бўлса ҳам ўқитувчи томонидан мавзуларга ёки ўтилганларга оид саволлар орқали ўқувчиларнинг идроки , тушиниш даражалари аниқланиб борилади. Айрим ўқувчиларда идрок этишдаги ўзгаришлари туфайли, улар айрим нарса, ҳолат, воқеларни бошқалари билан таққослайдилар. Улар орасидаги боғлиқликни ўзлариниг тушуниш нуқтайи назари асосида топадилар ва таҳлил қиласидилар. Лекин биз улар ҳақида шу фикрларни айтиб ўтганимиз билан, бу ақли заиф болалар учун предметларни белгилари асосида таққослаш, улардаги боғлиқликни бир-бирига боғлаш каби бир қатор жараёнларнинг мураккаблиги билан ажralиб туради. Чунки ақлий имконияти чекланган болаларда психологик жараёнлардан бири бу-тафаккурнинг етарли даражада ривожланмаганлигидир.

Аслида болаларнинг тасаввури билимларни эгаллашда сезги босқичидан тафаккур босқичига ўтадиган боғловчи кўприк бўлиб, болаларда тушунчалар ва билимларни шакланишида назарий ва амалий асос вазифасини бажаради.

Шу ўринда шуни айтиб ўтиш лозимки, ақлий имконияти чекланган болаларни ўзларининг ақлий ва жисмоний, руҳий ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқиб, тасвурнинг юзакилиги, манбаларга бой эмаслиги, аниқликни етишмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, таълим – тарбия жараёнида тузатиб боришни таққоза этади. Кўпинча бу нуқсонликлари туфайли ақлий имконияти чекланган ўқувчилар бирон бир предметни таҳлил қилишда, уларни белгилари асосида умумлаштиришда, таққослашда хатоларга йўл қўйишадилар.

Шунингдек бирон бир предметни ўрганишда белгилари ёки шаклларига қараб ажратиб бериш масалаларида ҳам бир қатор қийинчиликларга учрайдилар. Албатта ақлий имконияти чекланган болалардаги бундай қийинчилик ҳолатларини келиб чиқиши бу ўз-ўзидан юз берадиган ҳолат эмас, балки, улардаги ички фикрлашни етарли эмаслиги, предмет ва жисмларни белги ва хусусиятлари ҳақида етарли билим, тушунча, ҳамда керакли маълумотларга эга эмаслигидир. Шунинг учун ҳам ақлий имконияти чекланган ўқувчилар предметларни ўрганишда, уларни таҳлил қилиб беришда юзаки ёндашадилар. Натижада бу тоифадаги болалар ўрганилаётган предметни таҳлил қилиш орқали уни барча белгиларини, қисм ва бўлакларини етарли равишда очиб беролмайдилар. Бу эса ўрганилаётган турли нарсалар ва предметлар юзасидан керакли тушунча ҳамда билимларни ололмаслигига сабаб бўлади.

Келинг ёрдачи мактабларнинг иккинчи синф ўқувчилари учун қандай билим қийматига эга амалий ҳаракатлар ва ўқувчиларнинг турли муоммоларини ҳал қилиш учун ушбу ҳаракатларнинг натижаларидан қандай

фойдаланишларига эътибор қаратайлик. Нисбатан оддий вазифа – бу мавзуни таҳлил қилишдан бошлаймиз.

Таҳлил – воқеликни билиш учун зарур бўлган асосий ақлий операциялардан биридир, ходиса ва нарсаларни таҳлил қилиб, қисмларга ажратишдир.

Ўқувчилар томонидан дарсларнинг турли босқичларида: предмет ва ходисаларни идрок этишда, уларни қайта эсга туширишда, улар ҳақида фикр юритишида ва бошқа таълимий жараёнларда таҳлил этиш усуллари кўлланилади. Биз ушбу ёритаётган манбамизда ақлий имконияти чекланган ўқувчилар ўз атрофидаги дунё ходисаларини таҳлил қилишларини ҳолатини кўриб чиқмаймиз. Аксинча, келинг муаммони торайтирайлик ва уни кўплаб саволлардан бири – обьектларни ёки бирон бир предметни қандай таҳлил қилиш ҳолатини ўрганиш билан чеклайлик. Яъни ушбу масалада ўқувчиларни предметларни таҳлил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ва муаммоларини ўрганиш белгилаб олинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, обьект ёки предметнинг кўргазмалик шароитида ўқувчилар томонидан, уларни амалий ҳаракат фаолиятлари томонидан бажарилган иш ва буни натижасида олиб борилган таҳлил ўз ўрнида экспериментал тадқиқотга бўйсиндирилади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқсан ҳолда, ақлий имкониятлари чекланган ўқувчиларни обьект ёки предметларни амалий ҳаракат фаолиятлари орқали предметларни таҳлил қилишни ўзига хос хусусиятларини намоён қилишини ўрганиш мақсадида Москва шаҳридаги ёрдамчи мактабларнинг биридаги 2-синф ўқувчилари билан ўтказилган маҳсус амалий тажриба жараёни ўтказилган ( В.Г.Петрова.”Практическая и умственная деятельность детей олигофренов” 1968 г.). Ушбу ўтказилган тажриба жараёнига асосланган ҳолда. ҳамда ақлий имконияти чекланган ўқувчилар билан олиб борилган кўп йиллик таълимий ишларимиздан олинган назарий ва амалий тажрибаларимиздан келиб чиқсан ҳолда ушбу мавзуни ёритмоқчимиз.

Тажриба учун унча катта бўлмаган қўзиқорин шаклига ўхаш пласмассадан ясалган туздон олинди. Туздонни саккизта тешикдан иборат буралиб очиладиган қизил рангдаги шляпага шаклига ўхаш қопқоғи бор. Туздоннинг силлиқ жигарранг оёғи бўлиб, унга майда озиқ-овқат тузи солинган.

Ўтказилаётган тажрибада иштирок этаётган ўқувчиларнинг ҳар бири, аввало оддий вазифани бажариши, яъни кўз олдингизда ўрганилаётган обьектни мустақил равишда фикрлаш асосида оддий таҳлилни ўтказиши лозим. Ўқувчиларга қўзиқорин шаклдаги туздонни қўлига олиш ва уни

текшириб кўриш тақиқланмаган, аммо улар ўрганилаётган предметни қизиқиб, кўлига олиб кўришни таклиф ҳам қилмаганлар.

Предметларни кўздан кечириш уни белгилари ва қисмларин ўрганиши мураккаб жараён ҳисобланади. Айниқса ақлий имконияти чекланган ўқувчилар учун бу масалани муаммоли томонлари кўпроқ бўлиши мумкин. Бу ўринда бу ўқувчиларни предметларни таҳлил қилиш асосида билиш фаолияти ҳақидаги ўзига хос хусусиятлари юзасидан қўйидаги фикрларни айтиб ўтмоқчимиз:

-ривожланишида ақлий имкониятлари чекланган болаларда кузатувчанликни етарли эмаслиги сабабли, предметларни белги ва хусусиятларини тўлиқ очиб бераолмайдилар.

-предметарни ўрганишда билдирилган фикрларда ўзаро боғлиқлик етишмайди,

-бу тоифадаги болаларда сўз бойлигини етарли эмаслиги натижасида предметларни белгилари бўйича тўлиқ изоҳлаб очиб бераолишмайдилар.

-предметларни қисмларга ажратиш, йиғиш ва уни қайта шакллантиришга имкониятлари етарли эмас.

-ақлий имконияти чекланган ўқувчилар ҳаракатларида фаолликни ва интилишни чегаралангандиги ўрганилаётган предметларни мустақил равиша таҳлил қилишмайдилар, катталарнинг ёрдамида таҳлил қилганда ҳам айтилган топшириқни тўлиқ тушуниб етмайдилар.

- ўқувчиларни ўзларини билиш фаолиятидаги хусусиятларидан келиб чиқиб, предметларни кўздан кечирганда, шундай юзаки кўздан кечириб, қаноат ҳосил қилишадилар.

- амалий иш ҳаракат жараёнида ўқувчилар эса, бир мунча предмет билан танишишга чукурроқ ёндашишга ҳаракат қилишади, бу ўринда билиб олишда катталарни ёрдамига таянишига ҳам ҳаракат қилишади.

Ўтказилган тадқиқот жараёнида ақлий имконияти чекланган болалар қўзиқорин шаклдаги туздон билан танишиш орқали саккизта амалий ишни бажаришган. Бу ҳаракат фаолиятларининг ҳар бири ўқувчиларга таҳлил қилинаётган обьектнинг хоссаларидан бирин кашб этишга ёрдам беради. Олиб борилаётган иш жараёнида барча ҳаракатларнинг ягона вазифаси – обьектни амалий томондан таҳлил қилишга қаратилган эди.

Ягона мақсад билан бирлашган барча ҳаракатлар мажмуини ўқувчиларнинг амалий фаолияти деб ҳисоблаш мумкин. Қуйида 2-синф ўқувчиларининг қўзиқорин шаклдаги туздонни белги ва хусусиятлари билан танишиш мақсадида бажаришган амалий ҳаракат фаолиятларини мазмуни билан таништириб ўтамиз. Ўқувчилар томонидан бажарилиши лозим бўлган амалий иш ҳаракатлари қўйидагилардан иборат;

1. Дастрлаб ўқувчилар текшириб кўриш учун қўзиқорин шаклдаги туздонни қўлоғини атрофида силкитиши керак. Улар шитирлаган товушни эшитгач, қўзиқорин шаклдаги туздонни бўш эмаслигини, унга бирор нарса солинганини айтиш мумкин эди.

2. Кейин ўқувчилардан қўзиқорин шаклдаги туздонни айлантириб, шляпага ўхшаш томонини пастга қаратиб, бир парча оқ қофозни устига силкитишини айтишди. Сўнгра бу иш ўкувчилар томонидан бажарилганда, тузнинг бир қисми қофозни устига тушди. Шу тариқа ўкувчиларнинг дикқати туздонни шляпага ўхшаш қопқогинини хусусиятларига қаратилди. Яъни шляпа шаклдаги қопқоқда тешиклар борлигига ўкувчилар дикқати жалб қилинади.

3. Сўнгра ақлий имконияти чекланган заиф ўкувчилардан қўзиқорин шаклдаги туздонда қанча туз борлигини кўрсатиш сўралади. Аслида қўзиқорин шаклдаги туздонда қанча туз борлигини тахмин қилиб бўлмаслиги, ўкувчилар ишонч ҳосил қилиш учун бу мумкин эмаслиги, чунки, туздонни ясалган материалига қўра уни ичига солинган нарса (туз) кўринмаслигини ўкувчиларга тушунтириш лозим.

4. Навбатдаги амалий ҳаракат ишида қўзиқорин шаклдаги туздонни қопқоғини олиб ташлаш таклиф этилди. Бунга тегишли ҳаракатлар бажарилиб, ўкувчилар томонидан қўзиқорин шаклдаги туздонни шляпа шаклдаги қопқоғи буралиб, ечилиб, оёғидан ажратилади.

5. Ўкувчилар билан татқиқот ишини давом эттирилган ҳолда, ажратиб олинган туздонни қопқоғини оқ қофозга қўйиб, қалам билан атрофини чизиб олиш айтилди. Шу асосида қўзиқорин шаклдаги туздонни шляпа шаклдаги қопқоғини оёғини шаклини ўкувчиларга билиб олиш таклиф этилди ва шунга оид иш фаолиятини бажариш учун ўкувчилар тайёрланди.

6. Амалий ҳаракатнинг навбатдаги бажариладиган ишда ўкувчилар албатта, қўзиқорин шаклдаги туздонни оёқ қисмини бир неча марта кўздан кечириб кўриши лозим. Шу иш жараёни асосида ўкувчилар туздонни усти силлиқ эканлигини билиб олишади.

7. Олиб борилаётган навбатдаги амалий ҳаракат ишида ўкувчилар туздонни оқ қофоз устига қўйишади ва уни оёқ қисмини қалам билан айлантириб чизиб чиқишади. Бу эса уларга қўзиқорин шаклдаги туздонни оёқ қисмини шаклини аниқлаб, билиб олишга ёрдам бериши мумкин.

8. Бажарилаётган амалий ҳаракат ишининг кейинги босқичида берилган топшириқка асосан ўкувчилар қўзиқорин шаклдаги туздонни баландлигини чизғич билан ўлчадилар. Ушбу бажарилган амалий ҳаракат асосида туздонни баландлиги ҳақида тушунчага эга бўлишди.

Ушбу ўтказилган тажриба иши (экспремент) шундай ташкил этилганки, предметларни белгиларини ёдлашга ҳам, нима қилш кераклигини аниқ эслаб қолишга ҳам ҳеч қандай куч сарфланмаган. Кўрсатмалар бирнн-кетин қаътий белгиланган кетма-кетликда таклиф этилган саккизта вазифага бўлинди.

Амалий иш фаолияти жараёнида белгиланган топшириқлардан бири бажарилгач, ўқувчи кейинги топшириқни бажаришга киришди. Шундай қилиб, ўқувчи тажриба ўтказиш иши жараёнида тажриба ўтказувчи томонидан айтилган топшириқларни у айтгандек бажаришга ҳаракат қилди.

Ҳаракатлар, предметни текширишида, қайсики, текширишларга боғлиқ ҳолда ўзининг йўналиши бўйича турли хил ҳолда намоён бўлади. Уларнинг баъзилари қўргазмалиқда кўриш идрокини ташкил этишни, объектнинг маълум бир аниқ бўлган белги хусусиятларини очиб беришга йўналтиришни мақсад қилган. Шундай қилиб, тахмин қилинишча, агар ўқувчи амалий иш жараёнида қўзиқорин шаклдаги туздонни қопқоғини юқори қисмдаги тешикларни сезмаса, бунда туздонни пастга угириб ва ундан бир қисм тузни тўкиб ташласа, у албатта бўнга эътибор беради. Бундай ҳолда ҳаракатнинг ўзи кўз билан идрок этиб бўлмайдиган объекдаги бирор нарсани очиб бермайди, балки бу объектнинг ўзига хослигини кўришга ёрдам беради.

Объектни ўрганишда, ўқувчи томонидан бажарилиётган бошқа баъзи ҳаракат фаолиятлари, шундай имкониятлар яратиш мумкинлиги, қайсики кўриш йўли орқали идрок этиб, аниқлаб бўлмайдиган айрим хусусиятларини билиб олишга ёрдам беради. Мисол учун, қўзиқорин шаклдаги туздонни қопқоғини бураб ечиб олинмаганда, уни бошқа бўлакка ажратиш мумкин эмас деган тасаввур ақли заиф ўқувчиларда пайдо бўлиш мумкин эди. Амалий иш жараёнида ўқувилар ўзлариниг ҳаракат фаолиятлари орқали туздонни қопқоғи ечиб олинишини билиб олишди. Ўтказилган ҳаракат иш фаолиятларида айримлариниг натижалари таҳлил қилинаётган объектнинг хусусиятлари ҳақида тўғридан-тўғри хулоса чиқаришга имкон берган бўлса, бошқа ҳаракат фаолиятлариниг натижалари эса янги хусусиятни кашб этишга олиб келадиган мулоҳазалар юритишга олиб келиши мумкин. Жумладан, ўқувчилар томонидан қўзиқорин шаклдаги туздонни баландлигини ўлчашга оид ҳаракат фаолиятларининг натижаси, туздоннинг баландлиги ҳақида бевосита маълумот берди. Яъни ушбу ҳаракат фаолият жараёнида ўқувчиларнинг ўзлари айтилган ҳаркатларни бажаришди, туздонни баландлигини ўлчаниб, аниқлланди ва бу ҳақида керакли маълумотга эга бўлишди.

Агар ўқувчи қўзиқорин шаклдаги туздонга қанча туз солинганини кўрсата олмаса, уни тузни бу туздоннинг деворлари орқали кўриш мумкин

эмас деб ўйлашга, фикрлашга олиб келиши керак, чунки туздоннинг деворлари шаффоф бўлмаган материалдан ясалганлиги учун унинг ичида тузнинг қанча миқдордалигини билиш уларга бир мунча муаммодир. Бу ерда ақлий имконияти чекланган

ўқувчилар қўзиқорин шаклдаги туздонни деворлари хира ва тўқ рангдаги пластмасса материалидан ясалгани учун, ичида қанча туз борлигини билмаганлигини ҳис қилиш лозим.

Таъкидлаш лозимки, ўқувчилар тажриба ўтказиш жараёнида у ёки бу ҳаракат фаолиятларини қандай мақсадда амалга оширишлари кераклиги ва унинг фаолияти натижаси умуман нимага қаратилганлиги тўғрисида маҳсус тушунтиришлар олмаган. Лекин барча ўқувчилар ғайриоддий вазифаларни бажонидил қабул қилишга, сидқидилдан катта қизиқиш билан амалий ҳаракат фаолиятларини бажаришга ҳаракат қилишди.

Тажриба, синаб қўриш вақтида ривожланишида ақлий имкониятлари чекланган ўқувчиларнинг белгиланган предметни ўрганишдаги амалий ҳаракатларининг ўзига хос бўлган томонлари юзасидан баъзи фикрларни ёритмоқчимиз.

Бу тоифадаги ўқувчиларни қанчалик даражада бу ишга ёндашган, предметни кўриб чиқишиган, қилинган ишларни таҳлил қилиб, тажриба иш жараёнини атрофлича кўриб чиқайлик.

Эслатиб ўтамиз, биринчи топшириқ ўқувчиларни предметни мустақил равища таҳлил қилиш вазифаси олдига қўйилди, ҳамда бунинг устига предметни уларга олиш таклиф қилинмаган, ва бу иш уларга тақиқланмаган ҳам эмас. Аниқланишича, ўтказилган тажрибалардан маълум бўлдики, иштирок этган ёрдамчи мактабнинг йигирма нафар 2-синф ўқувчиларидан атиги тўрт нафар ўқувчи, қўзиқорин шаклдаги туздонни қўлларига олиб, турли йўналишларда айлантиришган ва яхшироқ кўриш учун юзига яқинлаштирган. Ўқувчиларни кузатув иш жараёнида бир нафар ўқувчи бир неча марта ушбу туздонга эътибор қилиб, уни кўриб чиқишига ҳаракат қилган. Ўқувчилар томонидан бажарилган ҳаракат фаолиятлари предмет билан танишишга, унинг қисмларини ёритишга ёки хусусиятларини аниқлашга қаратилмаган.

Ўқувчиларнинг предмет билан танишиш ҳаракатлари беихтиёр ва мақсадсиз ҳаракатлар эди. Бу иш жараёнида бола қўзиқорин шаклдаги туздонни қўлига олди, ёқтиргани учун ушлаб кўрди, чунки бу уларга янги, ҳамда чиройли, ўйинчоқ сифатида ўзларининг қараш нуқтаи назарида тасаввур қилишди.

Кейинчалик маълум бўлишича, болаларнинг ҳаракат фаолиятларини натижаси кўрсатилган предметни билиш, ўрганиш қийматига эга бўлмаган ва

шунинг учун ҳам туздонни ўрганишни кейинги таҳлилига унча эътибор қилмаган. Ўтказилаётган иш жараёнида ўқувчилардан сўралганда, улар кўриб идрок қилган тасаввурига кўра, қўзиқорин шаклдаги туздонни шляпа шаклдаги қопқоғини ва уни оёқ қисмин ранги ҳақида гапиришган. Лекин ўқувчилардан туздонни қолган белги ва хусусиятлари ҳақида сўралганда улар керакли жавобни айтиб беришмаган. Ўқувчиларнинг хатти-ҳараатларидан маълум бўлишича, улар катталарнинг талабидан ҳайрон қолмаганлигини кўрсатди. Улар берилган вазифани қабул қилиб олиб имконияти даражасида уни бажаришга ҳаракат қилишди.

Биз ўқувчиларни биронтасида ўйламасдан ишга ёндашиши, иш қилиш кераклигига, унга нисбатан истамаслик ёки ўз ишига мунособатда палапартишлик ҳолатларини тўғри келмадик. Аксинча барча ўқувчилар янги, ёрқин рангдаги предмет билан қизиқиши ва тажрибада завқ билан иштирок этишга ҳаракат қилишди. Шу ўринда баъзи фикрларни айтиб ўтиш лозимки, ақли заиф болаларнинг кўпчилиги, ўзларининг ривожланиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, янги, чиройли кўринган педметларга қизиқиб, уни кўришга ҳаракат қилишади. Яъни улар учун янги бўлган педметларга қизиқиши билан ёндашадилар.

Кўпинча ақлий имконияти чекланган ўқувчилар предметларни белги ва хусусиятларини ўрганишда баъзи бир имкониятлари етарли бўлса ҳам, лекин бундан ўринли фойдаланишмайдилар, бундай ҳолларда предметни ўрганишда кўриш орқали идрок этиш билан чекланишади. Ўқувчилар топшириқ ва вазифаларни олгач, уни тўлиқ мустаққил равишда катталарнинг ҳеч қандай маслаҳат ёки кўрсатмаларисиз бажаришлари керак. Табиийки, ўз ташаббуси билан ҳаракат қилиб, улар ўзлари учун энг таниш ва ўрганган йўлларини танладилар. Бундай ҳолат тақдим этилган объектни кўриниши ва белгиларини мухокама қилишга қаратилган йўл ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ақлий жиҳатдан имконияти чекланган ўқувчилар томонидан педметларни ўрганишда, таҳлил қилишда, уларни белги ва хусусиятларини очиб беришда, ўзларида етарли тажриба, фикрлаш ёки предметга баҳо беришда ташаббус ва ҳаракатлар чегараланганини учун ҳам, улар доимо катталарнинг кўрсатмаларига доимо ўзларини муҳтоҷ сезадилар.

Уларнинг билиш фаолиятларини хусусиятларини ўз нормал тенгдошларига нисбатан пассивлиги, уларда бош миясини ўзига хос ривожланиши хусуситларидан келиб чиққан ҳолда, мияни тез толиқиши, натижада тормозланиш ҳолати, яъни бирон нарсани ўрганаётганда ёки бир ишни бажараётганда охиригача олиб боралмаслик, амалий ҳаракатлари юзасидан ўз фикрларини баён эта олмаслик ҳолатлари кўпроқ намоён бўлади.

Предметларни ўрганиш жараёнида, уни белгилари асосида етарли даражада таҳлил қилишни билмайдилар. Шунинг учун ҳам улар ўз нормал тенгдошларига нисбатан бирон нарсани ўрганишда, таълим олишда, фикрлашда, ўрганган ва билган тушунчаларини айтиб беришда орқада қолиш ҳолатлари намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Т.А Власова, М.С Певзнер” Камол топишида камчиликлари бўлган болалар ҳақида.” Ўқитувчи нашрёти. Тошкент 1976 й.
2. В.Г. Петрова “Практическая и умственная деятельность детей олигофренов. Издательство” “Просвещение”Москва. 1968 г.
3. В.С.Рахмонова “Дефектология ва логопедия асослари.” Тошкент-1990 й.
4. Muzaffarova, X. (2020). ДИДАКТИК ЎЙИН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – ПЕДАГОГИК ФЕНОМЕН СИФАТИДА. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(92). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/7483](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7483)
5. Muzaffarova, X. (2020). АҚЛИ ЗАИФ БОЛАЛАР БИЛАН КОРРЕКЦИОН-РИВОЖЛАНТИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШГА ЯНГИЧА ЁНДОШУВЛАР: UZ AKADEMIYA. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(92). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/7485](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7485)
6. Muzaffarova, X. (2020). Oligofrenopedagogikada foydalaniladigan tadqiqot metodlari. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(92). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6710](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6710)
7. Muzaffarova, X. (2020). Ўзбекистонда баклавр педагогларни тайёрлашнинг инновацион моделлари. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(92). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6707](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6707)
8. Muzaffarova, X. (2020). Pedagogik texnologiyalar va ularni maxsus ta’lim mussasalariga tadbiq etish . *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(92). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6711](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6711)
9. Muzaffarova, X. (2020). THE CORRECTIVE IMPORTANCE OF INCLUSIVE EDUCATION FOR CHILDREN WITH DISABILITIES. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(94). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/2537](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/2537)
10. Muzaffarova, X. (2020). DIZARTRIYANI BARTARAF ETISH BO’YICHA OLIB BORILADIGAN LOGOPEDIK TA’SIR TIZIMI. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(90). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6306](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6306)
11. Muzaffarova, X. (2020). БАДИЙ АДАБИЁТ - БОЛАЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНИШИРИШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА. *Архив Научных*

Публикаций JSPI, 1(88). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6825](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6825)

12. Muzaffarova, X. (2020). Aqliy rivojlanishida muammosi bo‘lgan kichik maktab yoshdagi o‘quvchilarning eshitish idrokini rivojlantirishda didaktik o‘yinlardan foydalanish . *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(81). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6724](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6724)

13. Muzaffarova, X. (2020). Maxsus maktablarida ma`naviy-ma`rifiy ishlarning o‘ziga xosligi . *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(81). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6727](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6727)

14. Muzaffarova, X. (2020). ESHITISHIDA NUQSONI BOR O’QUVCHILARIGA ARIFMETIK AMALLARNI BAJARISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH USULLARI. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(81). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6750](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6750)

15. Muzaffarova, X. (2020). Duduqlanuvchi bolalar bilan olib boriladigan logopedik - korreksion ishlarni to‘g‘ri tashkillashtirish usullari. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(80). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6731](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6731)

16. Muzaffarova, X. (2020). Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlarni rejulashtirish va ularga bo‘lgan talablar . *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(80). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6737](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6737)

17. Muzaffarova, X. (2020). Логопедик машғулотларда болалар сўз бойлигини ошириш бўйича тавсиялар. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(80). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6743](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6743)

18. Muzaffarova, X. (2020). Duduqlanish va uni korreksiyalash bo‘yicha olib boriladigan logopedik ishlar : Хотин-қизларнинг фан, таълим, маданият ва инновацион технологияларни ривожлантириш соҳасидаги ютуқлари 2019 йил 17-18 май 305 бет . *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(72). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6304](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6304)

19. Sharipov, S. (2020). ALOHIDA YORDAMGA MUHTOJ BOLALAR MAXSUS VA INKLYUZIV TA’LIM TIZIMIGA DEFEKTOLOG-KADR LARNI TAYYORLASH MASALALARI. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 22(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/2142](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/2142)

20. Akramova, X. (2020). Ақли заиф ўқувчиларни компьютер технологиялари асосида меҳнат кўникмаларини шакллантириш. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(16), 1-9. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/4013](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4013)

21. Akramova, X. (2020). Коррекционно-педагогические особенности формирование навыков здорового образа жизни у детей с умственной отсталостью в семейных условиях. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 15(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/918](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/918)
22. Akramova, X. (2020). Социально-педагогическая работа с детьми дошкольного возраста. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 7(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/674](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/674)
23. Akramova, X. (2020). Didactic Foundations of Labor Activity for Children with Intellectual Disabilities. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 7(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/682](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/682)
24. Akramova, X. (2020). Методика формирования общих трудовых навыков у умственно отсталых учеников через компьютерные мультимедийные программы. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(12), 1-7. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/3182](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3182)
25. Akramova, X. (2020). Methods of developing general work skills in mentally retarded students through information programs. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 7(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/697](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/697)
26. Akramova, X. (2020). Peculiarities of the labor activity of mentally retarded pupils. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 15(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/897](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/897)
27. Akramova, X. (2020). Aqli zaif o'quvchilarda axborot dasturlari vositasida umumiy mehnat ko'nikmalarini shakllantirish metodikasi. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 15(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/916](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/916)
28. Akramova, X. (2020). Замонавий мультимедиа воситаларидан фойдаланиш - муваффакият гарови . *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(12), 1-5. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/3162](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3162)
29. Akramova, X. (2020). Мактабгача ёщдаги болалар билан олиб бориладиган ижтимоий педагогик фаолият технологияси. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(16), 1-5. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/3994](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3994)
30. Akramova, X. (2020). Mehnat darslarida aqli zaif bolalar nutqini o'stirishning o'ziga xosligi. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(16), 1-5. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/4025](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4025)
31. Haqberdiyev, jamoliddin. (2020). The importance of modern technical devices in the development of hearing. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(64). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6183](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6183)
32. Haqberdiyev, jamoliddin. (2020). Болаларнинг мактабга психологик тайёргарлиги масалалари . *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(70). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6303](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6303)
33. Haqberdiyev, jamoliddin. (2020). The importance of cochlear implant in the educational system of children with hearing disorders . *Архив Научных*

- Публикаций JSPI, 1(80). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6742](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6742)*
- 34.Isaqulov, M. (2020). Юқори синф ўқувчилари тарбиясида виртуал стендларнинг ўрни. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(50)*. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6069](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6069)
- 35.Isaqulov, M. (2020). Formation Of High Spiritual Qualities In Youth. *Arxiv Научных Публикаций JSPI, 1(98)*. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/8012](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/8012)
- 36.Majidov, J., & Majidova, G. (2020). SHAXS IJTIMOIY TARAQQIYOTIDA OILA MUHITINING O'RNI. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 37.Majidov, J. (2020). PSYCHOLOGICAL CRITERIA OF THE LEADER PERSONALITY. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- Majidov, J. (2020). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 38.Qodirova, M. (2020). Voyaga yetmagan o'smirlar xulq atvorini shakllantirishda olib boriladigan ishlar mazmuni. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 39.Qodirova, M. (2020). Особенности периода взросления подростка. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 40.Qodirova, M. (2020). Bolalar idrokini rivojlantirishda mashg'ulotlarning o'mi. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 41.Qodirova, M. (2020). Psixologiya fanlarini o'qitishda zamonaviy texnologiyalarning o'rni va ahamiyati. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 42.Qodirova, M. (2020). РОЛЬ ЗАНЯТИЙ В ФОРМИРОВАНИИ И РАЗВИТИИ СПОСОБНОСТИ РАЗМЫШЛЕНИЯ У ДЕТЕЙ. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 43.Qodirova, M. (2020). KICHIK MAKTAB YOSHI 0 'QUVCHILARINI HAR TOMONLAMA SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLOGIK XUSfSIYATLARI. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 44.Qodirova, M. (2020). Shaxsning ichki konfliktlari va mexanizmlari. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 45.Dilshod, Y. (2020). Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда педагогик хурфиксиклининг роли. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 46.Dilshod, Y. (2020). Талабаларда педагогик Хурфиксиклини ривожлантиришда тарихий асослардан фойдаланиш. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 47.Rakhmatovich, Y. D. (2019). PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FEATURES AND FACTORS OF THE DEVELOPMENT OF PEDAGOGICAL FREETHINKING IN STUDENTS. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(12).

- 48.Dilshod, Y. (2020). ПЕДАГОГИК ?УРФИКРИКНИНГ ТАЛАБАЛАР ФАОЛИЯТИДАГИ РОЛИ. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 49.Dilshod, Y. (2020). Formation Of High Spiritual Qualities In Youth. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 50.Dilshod, Y. (2020). Негативное педагогическое влияние социальной среды на личность подростка. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 51.Dilshod, Y. (2020). Формирование педагогического свободомыслия как важная педагогическая проблема. Архив Научных Публикаций JSPI.